УДК 371.035.2:392.0

ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЭТНОМАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

М.А. Собирова

Мақолада ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашда этномаданият ва миллий ғоя омилларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Этномаданият ва миллий ғоя тушунчалари бир-бирига узвий боғлиқ эканлиги асосланган. Шунингдек, тарбия, миллий тарбия тушунчалари таҳлилига ҳам эътибор қаратилиб, таълим-тарбия жараёнларида ўқувчи ва талаба ёшларни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашда интерфаол методлардан фойдаланиш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: *ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш, этномаданият, ўзбек халқи этномаданияти, миллий ғоя, халқ, миллат, таълим, тарбия, миллий тарбия, интерфаол усул ва методлар.*

В статье анализируются особенности использования факторов этнокультуры и национальной идеи в воспитании подрастающего поколения в духе национального самосознания. Обосновано, что понятия этнокультуры и национальной идеи неразрывно связаны. Особое внимание также уделялось анализу концепций образования, национального образования и вопросам использования интерактивных методов и приемов в воспитании учащихся и студентов в духе национального самосознания в образовательных процессах.

Ключевые слова: *самосознание, национальное самосознание, этнокультура, этнокультура узбекского народа, национальная идея, народ, нация, образование, воспитание, национальное воспитание, интерактивные методы и приемы.*

Маълумки, этномаданият муайян халқнинг ҳаётида ҳар доим ниҳоятда муҳим мавзу бўлиб келган, бундан кейин ҳам унинг долзарблиги ошиб бораверади. Чунки у миллат мавжудлигининг асоси, унинг бугунги куни ва истиқболини таъминлайдиган маънавий бойлик ҳисобланади. Шу жумладан, ўзбек халқи этномаданияти ҳам халқимизнинг узоқ ўтмиши, тарихи, маданияти, маърифати, қадимий урф-одат, анъана ва маросимлари ҳамда миллий ғояси билан чамбарчас боғлиқ.

Моҳиятан олиб қараганда, этномаданият ва миллий ғоя тушунчалари бир-бири билан муштарак тушунчалар ҳисобланади. Миллий ғоя – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли бўлса, “этномаданият халқнинг, миллатнинг узоқ ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари, турмуш тарзи, тили, урф-одатлари, ташқи дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш, ўзини, ўзлигини идрок этиш, англаш усуллари, хуллас, этноснинг, миллатнинг мавжудлигини ифода этувчи ижтимоий воқеликдир” [1. Б. 13].

Ўзбек халқининг: “Етти бобони билган эр, етти юртнинг ғамин ер” деган ҳикмати бор. Бу ҳикмат замирида ўсиб келаётган ёш авлодни ўз аждодлари ва уларнинг тарихини чуқур билишга даъват этиш ва шу асосда тарбиялаш мотиви мужассам. Бу мотив ёшларни ўз халқининг тарихи ва асрий анъаналарини билиш, ўз этник илдизларини таниш, бир сўз билан айтганда, миллий ўз-ўзини англаш сари етаклайди.

Зеро, бугун миллий ўзлигини англайдиган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мир-

зиёев таъкидлаганидек: “Бизнинг тараққиёт стратегиямизда ҳар жиҳатдан баркамол ривожланган, эркин фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга йигит-қизларни тарбиялаш энг устувор вазифаларимиздан биридир” [2. Б. 262].

Шу ўринда савол туғилиши табиий: “Ўсиб келаётган ёш авлодга ўзлигини англатиш нима учун зарур?” – бу энг кўп бериладиган саволлардан бири. Жавоб эса жуда жўн. Энг аввало қайд этиш жоизки, ўзлигини англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Ўзлигини англаган инсон маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгулик сари ҳаракат қилади. Юксак ривожланган жамият ҳам ўзлигини англаган шахслардан таркиб топади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлиқ олдидаги масъулият туйғусига эга эканлиги назарда тутилади.

Бизнингча, ҳар бир инсон эртами-кечми “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат-ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим?” деган саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. Бу йўлни оддийгина қилиб – ўзликни англаш йўли, – деб айтиш мумкин. Демак, ўзликни англаш, биринчи навбатда, ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида “мени” билан боғлиқ. Қолаверса, ҳаётнинг маъно-мазмуни, мақсадини тушуниб етиш ҳам дастлаб ўзликни англашдан бошланади.

Ўзликни англаш миллий ўз-ўзини англашга замин яратади. Бир қатор тадқиқотларда миллий ўз-ўзини англаш ижтимоий онг феномени сифатида талқин этилиб, бу феномен 3 та компонентдан иборат деб кўрсатилади. Яъни:

ўз-ўзини билиш;

ўз-ўзини қадрлаш, баҳолаш ва эмоционал ҳолатини англаб этиш;

миллий ўзликни бошқариш.

Миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда айнан мана шу феномен – миллий ўз-ўзини англаш омили етакчи роль ўйнайди. У ҳар қандай миллат учун зарур асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Миллий ўз-ўзини англаш миллат абадийлигини таъминлашнинг энг муҳим омилидир. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради. Хитой файласуфи Шан Ян (мил.авв. 390–338) фикрича, “Нодон халқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир” [3. Б. 92].

Ёшларнинг ўз миллий мансублигини чуқур англаши, ўз миллати истиқболи олдида масъулликни ҳис қилишида этномаданият ва миллий ғоя муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир халқнинг юқори даражасида ўзликни англаши, миллий ғурурга эга бўлиши, ўз халқидан фахрланиш ҳисси ўша давр жамияти тартиб-қоидаларига кўра кўпчиликда бир хил, юксак савияда бўлади. Аҳолининг ўзликни англаш даражаси фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш-тарзига айланади [4. Б. 317–318].

Ўзбек халқи этномаданиятининг миллий онгга, ўзликни англашга, тарихий хотирани тиклаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш руҳиятининг шаклланишига ўтказадиган таъсирчанлик имкониятлари ниҳоятда катта. Унинг ана шундай имкониятларидан фойдаланиш ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада халқ педагогикасига таяниш зарур бўлади.

Аслини олганда халқ педагогикасининг ижодкори ва шу асосда авлод-аждодларимизни баркамол кишилар қилиб тарбиялаб келган биринчи ва тўнғич педагог-ўқитувчиси, бу – халқнинг ўзидир.

Маълумки, миллат ўз тарихини унутса, унинг миллий педагогикаси ҳам ўз заминидан ажраб қолади. Агарда биз халқ педагогикасидан баҳраманд бўлмасак, натижада, ёшларимиз ўртасида турли кўринишдаги ахлоқсизлик, жиноят, маънавий қашшоқликлар авж олиши, жамиятимиз учун маънавий таҳдидлар кучайиши мумкин бўлиб келади. Шундай экан, бу мумтоз халқ ижодини чуқур ўрганиш бирламчи бўлибгина қолмай, балки уни инсоний бурч деб тушунишимиз керак.

Халқ педагогикасининг асосланиш даврлари шу халқ пайдо бўлган даврлардан бошланган бўлиб, унинг қамрови ниҳоятда кенг, серқирра

ва шу билан бирга жуда ҳам сержилодир.

Халқ педагогикаси халқимизнинг ижтимоий ва маиший-ахлоқий ҳаётининг барча томонларини – халқ донишмандлиги ва одобномасини, халқ оғзаки ижоди, қадршунослиги, удумшунослиги ва маросимшунослигининг етакчи йўналишларини, шу билан бирга диний-ахлоқий таълимотни ҳам қамраб олади. Бу педагогика халқимизнинг асрлар давомида тўплаган бой тажрибаларини, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий, маърифий, эстетик, маънавий ҳамда жисмоний етуклик борасидаги қарашларини, тажриба-хулосаларини бағоят теран ва лўнда қилиб донишманднома тарзида ифодалаб келган.

Маълумки, халқнинг педагогик қарашлари узоқ асрлар давомида асосан халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрлардаги асарлар, элшунослик, қадршунослик, удумшуносликлар қатида сақлаб келинган ҳамда Қуръону Карим ва пайғамбаримизнинг Ҳадисларида ўз ифодасини топган. Демак, ўзбек халқи этномаданияти қайсидир маънода халқ педагогикасининг яшовчанлигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келган. Яъни, муайян бир даврда ҳар бир авлод ўз тажрибасини, қарашларини, фазилатларини қўшиб халқ педагогикасининг янада бойитилишига ва яшовчанлигига ўз ҳиссасини қўшган.

Эндиликда бизнинг олдимизда шу узоқ асрлар давомида таълим-тарбиянинг энг муносиб қўлланмаси, омили ва воситаси бўлиб келган халқимизнинг педагогик қарашларини тўплаш, ўрганиш, яна ривожлантириш, шу билан бирга, йўқолиш арафасида турган миллий қадриятларимиз, урф-одат, расм-русумларимиз, удумларимиз, анъаналаримизни асраб қолиш ва янада тиклаш вазифаси турибди.

Шунингдек, халқимизнинг оилавий-маиший ҳаёти, таълим-тарбиявий ахлоқ-одобга оид ҳаётий йўл-йўриқлари, усуллари, ибратли тажрибаларига оид турфа достонлар, эртаклар, асотирлар, нақллар, ривоятлар, афсоналар, мақол ва маталлар, ҳикматлар сўзлар, топишмоқлар, тез айтишлар, болалар ўйинлари, аллалар, тўй ва аза қўшиқлари – марсия, садр айтимлар, олқиш ва қарғишлар, суюш-эркалаш қўшиқлари, эркаламалар, овутмачоқлар, қизиқмачоқлар, ялинчоқлар, ҳукмлагичлар, чорламалар, чеклашмачоқлар, гулдур-гуплар, санамалар, ўйин-кулгилар билан боғлиқ лапарлар, айтишув, ўлан ва термалар, рамазон, бойчечак, ёмғир, кун-юлдуз, чандишлар, тегишмачоқлар, масхараламалар, меҳнат ва маросимларга оид ёки “Наврўз”, “Меҳржон” каби номлар билан аталган баҳор, куз, қиш ва ёзда айтиладиган айтим-қўшиқлар, миллий этномаданиятимиз таркибида муҳим ўрин тутувчи деҳқончилик, чорвадорлик, касб-ҳунармандчилик билан боғлиқ насрий ва назмий асарлар, инсон, табиат ва ҳайвонлар дунёси билан ҳамда мифологик қаҳрамонлар образлари билан акс этган асарларни мўътадил ўрганишимиз ва ўсиб келаётган ёш авлодга ҳам ўргатиб боришимиз тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жадид маърифатпарваримиздан бири Абдулла Авлоний ўтган асрнинг бошида куюнчаклик билан таъкидлаганидек, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур” [5. Б. 38].

Адибнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясининг нозик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган: “Боланинг саломи ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўстирмакдур. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан бериб, катта қилмак лозимдур” [5. Б. 36]. Миллий-маънавий меросимиздаги бу каби дурдона ўгитларнинг миллий тарбия жараёнида қиммати жуда баланддир.

Гап миллий тарбия жараёнлари хусусида борар экан, шу ўринда “миллий тарбия” тушунчасининг мазмун ва моҳиятига қисқача тўхталиб ўтиш бизнингча ўринли. Бу тушунчанинг фалсафий таҳлили, хусусан, “Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва аталамалар” (қисқа изоҳли тажрибавий луғат), “Фалсафа” қисқача изоҳли луғат, “Фалсафа қомусий луғат” каби қомусий адабиётларда деярли уч-

рамайди. Бироқ бу каби адабиётларда кўпроқ тарбия тушунчасининг таҳлилини учратиш мумкин. Сабаби оила, таълим тизими ва жамоа фаолиятининг асосий йўналишини тарбия ташкил қилади.

Масалан, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да тарбия тушунчасига шундай изоҳ берилган: “Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён. Инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади” [6. Б. 114].

Шунингдек, академик Э.Юсупов “тарбия” тушунчаси таҳлилига тўхталиб ўтар экан, жумладан, шундай ёзади: “Тарбия сўзи асли арабча сўз бўлиб, “парвариш қилиш, таълим бериш, ўргатиш” деган маънони англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсдир. Мукаммал тарбия бериш маънавий камолотнинг барча жабҳаларини ривожлантириш учун зарур объектив ва субъектив омиллар яратишдир” [7. Б. 118]. Олим шу ўринда миллий тарбия тушунчасининг моҳиятига ҳам тўхталиб: “Миллий тарбия инсон шахсини шакллантиришда миллий маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш, ҳар бир халқ маънавиятига ўзига хос йўналиш беришга ҳаракат қилишдир”, – деб ёзади [7. Б. 118].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, “тарбия” тушунчаси ҳақида гап кетганда, ҳақиқатан ҳам амалий фаолият орқали “таъсир” ўтказиш назарда тутилади. Яъни, тарбия жараёни дейилганда маълум мақсад ва манфаатларни амалга ошириш учун шахс, миллат, ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва ҳоказоларга турли воситалар орқали “таъсир” ўтказиш жараёнлари тушунилади. Бу “таъсир”ни давлат, сиёсий кучлар, жамоат ташкилотлари, турар жой ва ишлаб чиқариш жамоалари, айниқса, замонавий оммавий ахборот воситалари ва бошқа бир қатор воситалар орқали ўтказиш мумкин.

“Тарбия” ва “миллий тарбия” ҳақида билдирилган юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, ҳали бу борада яна ҳам чуқурроқ ва комплекс, яъни бошқа ижтимоий фанлар билан бирга тадқиқот ишларини олиб бориш лозим бўлади. Демак, “тарбия” ва “миллий тарбия” тушунчалари кенг қамровли ижтимоий-фалсафий ва илмий-педагогик таҳлилга муҳтож.

Қайд этилганидек, “тарбия” мақсад ва манфаатни амалга ошириш учун тегишли сиёсий ва ижтимоий институтлар ва жамоатчилик томонидан турли воситалар орқали “таъсир” ўтказишнинг амалий фаолияти ҳисобланади. Агар бу таснифдан келиб чиқадиган бўлсак, мақсад ва манфаатларнинг кенг қамровли эканлигини ҳисобга олишимиз лозим бўлади. Унга мувофиқ “тарбия”нинг шакллари ва йўналишлари ҳам турли-туман. Жумладан, оила тарбияси, мактабгача тарбия, мактаб тарбияси, профессионал таълим ва олий ўқув юртлари тарбияси, жисмоний тарбия, ақлий тарбия, диний тарбия, иқтисодий тарбия, ахлоқий тарбия, ғоявий ва эстетик тарбия, миллатпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, миллий этнопедагогик тарбия каби тарбиянинг бир қатор шаклларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, турли йўналишлар ва воситалар орқали амалга оширилади.

Маълумки, “миллий тарбия”нинг негизини миллат манфаатлари, унинг тараққий қилишига ижобий таъсир ўтказиш ташкил қилади. У миллат вакиллари бўлган ота-она, жамоатчилик, жамоат ва давлат ташкилотларининг фаолияти орқали амалга оширилади. Миллий тарбия “тарбия” тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. У юқорида келтирилган “тарбия” шаклларини ҳам ўзига қамраб олади. Чунки тўлақонли миллат вакилларининг барчасида ана шу шакллар мужассам бўлиши керак.

Шунингдек, миллий тарбия миллат вакилларида этномаданий бирликни мустаҳкамлаш, миллий маданий меросни ўзлаштириш, уни кўз қорачиғидай асраш, ёшларда миллий ғурур, ифтихор ва ватанпарварлик руҳиятини ҳамда эл-юрт учун фидойилик ҳамда масъуллик ҳиссини шакллантириш борасида оила, таъ-

лим тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий бирлашмалар томонидан олиб бориладиган амалий фаолият ҳамдир.

Миллий тарбия билан этномаданият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик шу даражада мустаҳкамки, уларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Этномаданият воситасида миллий тарбияни олиб бориш йўли билан миллий ўзига хосликни асраш, ёшларни ташқаридан кириб келадиган турли зарарли ғоялардан, ахлоқсизликнинг турли кўринишларидан, “оммавий маданият”дан ҳимоя қилиш мумкин, уларга миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва миллий тараққиёт учун фидоийлик руҳиятини шакллантириш мумкин бўлади.

Демак, этномаданият нафақат миллий-маънавий тараққиётнинг муҳим омили, худди шунингдек, миллатни ташқаридан бўладиган турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш омили ҳам ҳисобланади. Бу омилнинг таъсирчанлигини ошириш учун этномаданиятнинг аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбига сингдиришга ёрдам берадиган миллий тарбияни изчиллик билан олиб бориш зарур бўлади.

Этномаданият миллий тарбиянинг асосий ресурси экан, бу ресурс имкониятларидан қай даражада фойдалана олиш миллий тараққиёт истиқболини ҳам белгилаб беради. Шунинг учун ҳам уни асраш, ривожлантириш ва кейинги авлодга етказиш – миллий тарбиянинг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилади. Қарамликдан қутилиб, ўз мустақиллигини қўлга киритган миллат учун этномаданиятни тиклашга қаратилган тарбиявий ишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тўғри, мустақиллик йилларида маънавий тарбия борасида қўлга киритган ютуқларимиз анча салмоқли. Бироқ бугун Янги Ўзбекистонни ривожлантириш, Учинчи Ренессансни бунёд этиш остонасида миллий тарбияга ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ эҳтиёж туғилмоқда.

Бу бир томондан, илғор урф-одат, анъана, қадрият, маросимларни янада ривожлантириш, улуғ аждодларимиздан қолган бебаҳо моддий, маънавий-маърифий меросни асраш ва янада бойитиш туйғусини ёшларимиз онги ва қалбига сингдириш, уларнинг миллий ўзлигини англашига эришиш каби вазифаларни амалга ошириш зарурийтининг кучайиб бораётганлиги билан боғлиқ. Бу вазифани қай даражада амалга ошириш жуда кўп амалий хатти-ҳаракатларни тақозо этади.

Иккинчидан эса, бугун ахборот асри ва глобаллашув жараёнларининг таъсири натижасида бир гуруҳ носоғлом кучларнинг “оммавий маданият”ни турли воситалар ёрдамида эндигина катта ҳаёт бўсағасига кириб бораётган ёшлар онгига сингдиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари ошиб бораётган бир шароитда, уларга қарши тура оладиган омиллардан самарали фойдаланишга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. Ана шу ҳар иккала жараёнга эътибор билан қараладиган бўлса, ҳар икки жараёнда ҳам мавжуд муаммолар ечимини топишда тарбия муҳим роль ўйнашини кўриш мумкин. Чунки тарбия орқали дунёқарашни ўзгартириш, шахсни, шакллантириш ва уни кўзланган мақсадга йўналтириш мумкин.

Албатта юқорида қайд этилганидек, тарбиянинг турли шакл, йўналишлари ва кўринишлари мавжуд. Миллий тарбия ана шу шакллардан бирини ташкил қилади ва у ўз фаолияти жиҳатидан тарбия тизимида муҳим ўрин тутади. Чунки у ўзида миллат манфаатлари билан боғлиқ бўлган барча вазифаларни бажаришга йўналтирилган бўлади. Миллат манфаатлари эса бепоёндир. У миллий ўзликни сақлаб қолишдан бошлаб миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган, миллатнинг жаҳон тамаддунидан муносиб ўрин эгаллашигача бўлган босқичларни қамраб олади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тарбия омилларидан бири – ёшларни ўзбек халқи этномаданияти билан яқиндан таништириш, этномаданият ва миллий ғоя уйғунлигини уларга тушунтириб боришдир.

Ҳаёт сабоқлари шундан далолат берадики, бирор халқни ўзига тобе қилишни истаган ташқи кучлар, аввало, уни этномаданияти, урф-одат ва анъаналари, ўзига хос қадриятлари, тарихи ва ўзлигидан жудо қилишга интилади. Бу ёшларга ҳам дахлдор.

Шу боис ёшларга ҳар бир миллат бошқаларга ўхшамаган удумлари, ўзига хос яшаш тарзи билан гўзал эканлигини, тараққий этган давлатларда ҳар бир миллатнинг миллий хусусият-

ларига ҳурмат билан қаралишида улкан маъно борлигини уқтириб бориш зарур. Демак, ёшларда урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни сақлашга, инсон сифатида ўзлигини англашга масъулият ҳиссини камол топтириш зарур.

Машҳур француз гуманист ёзувчиси, фашизмга қарши урушда жонини фидо қилган Антуан де-Сент-Экзюпери инсоннинг ўзини англашини аҳли башар олдидаги масъулият ҳисси билан боғлайди. “Инсон бўлиш – бу масъулият сезишингдир, – деб ёзади у – ўзингга алоқасиздай туюлса ҳам қашшоқлик олдида андиша қилишингдир. Ўз гаштингни қўя туриб, дунёдаги бунёдкорликка кўмаклашганингни ҳис этишингдир” [8. Б. 34]. Лўнда қилиб айтганда, ўзга миллат ва халқларни камситган миллат ҳеч қачон буюк бўлолмайди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий бу ҳақда шундай дейди:

“Нафъинг агар халққа бешакдурур,

Билки, бу наф ўзунга кўпракдурур” [9. Б. 33].

Яъни, халққа қанчалик кўп наф келтирсанг, билгилки, сен, аввало, ўзингга наф келтирган бўласан. Кимгадир қилган яхшилигинг, аввало, ўзинг учун ташлаган эзгу қадамингдир. Айнан шу каби мисраларда ботин бўлган тарбиявий ўгитларни биз имкон қадар ёшларга кўпроқ ўргатишимиз керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бот-бот такрорлаётганидек, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” [2. Б. 226]. Демак, бугунги таълим-тарбия жараёнида миллий ғоя ва этномаданият омилларидан фойдаланган ҳолда илғор, замонавий педагогик технологиялар орқали ёшларни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим жараёнларида янги инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқувчи-талаба ёшларни этномаданият ва миллий ғоя уйғунлиги асосида тарбиялаш имкониятлари кенгаяди. Педагогик технологиялар – таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имкониятини берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга эканлиги билан аҳамиятлидир.

Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялар имкониятлари асосида маъруза ва амалий машғулотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш анча ижобий самара беради.

Инновацион технологияларни қўллаш орқали фанни ўқитиш жараёнида юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, уларнинг касбий омилкорлигини шакллантиришга, методик маҳоратини оширишга замин ҳозирланади.

Шу ўринда бир гуруҳ етакчи педагог олимлар томонидан тайёрланган “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” дарслигида баён қилинган манбаларга таянган ҳолда дарс жараёнларида ёшларни этномаданият, миллий ғоя асосида миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялаш мақсадида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглар (технологиялар)га тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Бу жараёнда тавсия этиладиган энг оммабоп методлардан бири – кўпчилик ўқитувчи-педагоглар қўллайдиган **“Кластер”** методи ҳисобланади. Тўғри, бу жуда янги бўлмаган методлар бири. Бироқ ўқувчи-талабаларни мантиқий фикрлашга ўргатишда, умумий фикр доирасини кенгайтиришда, уларни мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишга ўргатишда бу метод анча самарали. Шунингдек, мазкур метод орқали ёшларнинг миллий ғоя ва этномаданият борасидаги билим ҳамда тасаввурларини янада бойитиш мумкин.

“3x4” методи.

Мазкур метод ўқувчи-талабаларни эркин фикрлашга, кенг доирада мушоҳада юритишга, таълим жараёнида якка ёки гуруҳ билан биргаликда муайян масалалар ёки муаммоларни таҳлил этиб, хулоса чиқара олишга, вазиятга тўғри баҳо бера олишга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда ўқувчи-талабалар кичик гуруҳлар таркибида миллий ўзликни англаш сари унча катта бўлмаса-да, бироқ дадил қадамни ташлашлари мумкин.

“Блиц сўров” методи.

Бу метод таълим олувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, хилма-хил фикрлардан, маълумот-

лардан кераклигини танлаб олишга ўргатишга қаратилган бўлиб, маънавий тарбия жараёнида бу фазилатлар жуда аҳамиятли.

“Интервью” методи.

Амалий аҳамиятга молик бўлган ушбу метод – ўқувчи-талабаларни савол бериш, эшита олиш, саволни тўғри тузиш ва тўғри жавоб беришга ўргатишга қаратилган. Бу жараёнда ўқувчи-талабалар орасидан “журналист” ёки “мухбир” танлаб олинади. Улар қолганларнинг мавзу доирасидаги фикр ва мулоҳазаларини тинглаб, ёзиб оладилар ва умумий хулоса тайёрлайдилар. Бу жараёнда “журналист”-ларнинг ҳам қолган иштирокчиларнинг ҳам иштироки муносиб баҳоланади.

“Бумеранг” методи.

Бу метод ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлашга, ўрганилган материални ёдда сақлаб қолишга, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга йўналтиради. Фақат бу методни ўқитувчи педагог тўғри ва ўз ўрнида қўллай олиши зарур.

Бундан ташқари ўқувчи ёки талабаларнинг интеллектуал ҳамда ёш психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўллашга тавсия этиладиган бир қатор интерфаол усул ва методлар борки, улар ҳам ёшларни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан: “Талаба” тренинги – ўқувчи-талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўлларини ўргатишга қаратилган бўлса, “Мулоқот” техникаси – ўқитувчи-талабаларни диққатни жамлашга, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишга йўналтирилган [10. Б. 82–83].

Қайд этилганидек, интерфаол усул ва методлар жуда хилма-хил. Бироқ дарс жараёнида ўқитувчи энг мақбул шакл ва методларни танлаши зарур. Барча методлар ўзаро узвий алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдириб, ривожланиб бориши керак. Шунингдек, методларни қўллашда сийқаси чиққан, зериктирадиган усуллардан қочиш лозим. Бундан ташқари методларни танлаш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг психологик ҳолатига ҳам эътиборини қаратиши шарт. Акс ҳолда интерфаол усул ва методларни қўллаш жараёни тескари самара бериши мумкин.

Ҳозирги ахборот ва глобаллашув даври ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлоддан замон талабларига ҳозиржавоблик билан жавоб беришни, ижтимоий фаолликни талаб қилиш билан бир қаторда, уларда миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш вазифасини ҳар қачонгидан кўра долзарб даражага кўтармоқда. Чунки миллий ўзлигини англаб етган шахс, фуқаро аввало ўзининг, қолаверса, ён-атрофидаги яқинлари: ота-онаси, оиласи, ака-укаси, опа-сингиллари, жамоаси, Ватани ва бутун инсониятнинг тақдирига бефарқ бўлмайди. Бундай фазилатлар эга бўлган ёшларни тарбиялаш эса биз катталардан мунтазам изланиш, янгиликларга интилиш, имкон қадар ёшларга яқин бўлиб, уларнинг қалбига йўл топишни талаб этади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ёшларда миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш, бу борада миллий ғоя ва этномаданият омилларини ишга солиш учун таълим-тарбия жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз зарур:

урф-одат, анъана ва маросимларни мустақиллик даврида шаклланган янги қадриятлар билан уйғунлаштириш;

ҳалоллик, бағрикенглик, миллатпарвар-лик, ватанпарварлик, ахлоқийлик, илм-фан ва ватанга фидоийлик каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини асарлар, видеофильмлар, кўрсатув, эшиттириш ва тадбирлар орқали ёшларга англатиб бориш;

дарс жараёнларида буюк Шарқ мутафаккирларининг маънавий ва илмий меросидан, шунингдек, жадид маърифатпарварларининг сабр-тоқат билан эришган ютуқларидан унумли фойдаланиш;

таълим муассасаларида оилалар, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда миллий ғоя ва этномаданиятни тарғиб қилувчи тадбирларни ўтказиш;

ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий ўйинларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида умумтаълим мактаблари, про-

фессионал ва олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талаба ёшлари иштирокида “Чиллак”, “Бештош”, “Оқ теракми, кўк терак” каби миллий ўйинларни; арқон тортиш, тош кўтариш мусобақаларини; сумалак сайли, миллий таомлар, варрак сайли сингари кўнгилочар тадбирларни мунтазам уюштириб боришни йўлга қўйиш;

ёшларга ҳаётнинг ўзи энг буюк қадрият эканини, инсон жисмонан ва маънан соғлом бўлсагина олдида турган барча мақсадларга эриша олишини таълим ва тарбия уйғунлиги асосида англатиб бориш, бу борада турли услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. *Sobirova M., Xoliqov I.* Etnomadaniyat. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: INNOVATSIYA, 2019. – 286 б.
2. *Мирзиёев Ш.М*. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – 464 б.
3. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф: тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. / Тўпловчи ва таржимон С.Жўраева. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. –371 б.
4. *Асқаров А*. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – 340 б.
5. *Авлоний А*. Танланган асарлар. II жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Маънавият, 1998. – 304 б.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т-ҳарфи. 8-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 867 б.
7. *Юсупов Э.* Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. – 184 б.
8. Тафаккур гулшани. / Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 464 б.
9. Навоий А. Уммондан дурлар. /Тузувчи ва таржимон Й.Парда. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 144 б.
10. *Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадьярова С.А., Эшчонов Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат*. – Тошкент: ТМИ, 2012. – 191 б.

THE USE OF FACTORS OF ETHNOCULTURE AND NATIONAL IDEA IN THE EDUCATION OF YOUNG PEOPLE IN THE SPIRIT OF NATIONAL IDENTITY

M.A. Sabirova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Pedagogical Research. 2021. 6(58). 32–40.

[1]Tashkent State Pedagogical University, Tashkent, 100070, str., Bunyodkor, 27 (Uzbekistan). E-mail:new.tdpu@uz

Keywords: self-consciousness, national self-consciousness, ethnoculture, ethnoculture of the Uzbek people, national idea, people, nation, education, upbringing, national upbringing, interactive methods and techniques.

The purpose of this article is to show the specific aspects of the use of factors of ethnoculture and national idea in the upbringing of the younger generation in the spirit of national identity. To achieve this goal, the author initially tried to justify that the concepts of ethnoculture and national idea are inextricably linked with each other. In the process, a comparative comparison method was used.

In the introductory part of the article, a philosophical analysis of the concepts of ethnoculture and national idea was initially given. Then their importance in educating the younger generation in the spirit of national identity is illustrated by examples. In particular, special importance is attached to the influence of the ethnic culture of the Uzbek people on national identity, restoration of historical memory, protection of national interests.

The author notes that the interdependence between national education and ethnic culture is so strong that one cannot be imagined without the other. It is possible to preserve national identity by conducting national education through ethnoculture, to protect young people from various harmful ideas that penetrate from

the outside, various manifestations of immorality, “mass culture”, thanks to which it will be possible to preserve national identity and form a spirit of self-sacrifice in the name of national development.

This means that ethnoculture is not only an important factor of national and spiritual development, but also a factor of protecting the nation from various harmful influences from the outside. To increase the effectiveness of this factor, it will be necessary to consistently conduct national education, which will help integrate ethnic culture into the minds and hearts of the population, especially young people.

In this regard, the article also focuses on the use of interactive methods and techniques in the education of schoolchildren and students in the spirit of national identity in educational processes. Because thanks to the use of new innovative pedagogical technologies in educational processes, opportunities are opening up for the education of student youth based on a combination of ethnoculture and national ideas.

The article notes that thanks to the use of innovative technologies, the foundation will be laid for the training of highly qualified, competitive personnel in the process of teaching science, the formation of their professional factor, and the improvement of their methodological skills. In a brief section of the article, the tasks that need to be performed in the educational process for the formation of a sense of national identity among young people, the use of factors of national idea and ethnoculture in this regard are indicated.

References:

1. Sobirova, M., Xoliqov, I. (2019) *Etnomadaniyat* [Ethnoculture. Study guide]. Tashkent: INNOVATSIYA.

2. Mirziyoev, Sh.M. (2021). *Yangi O‘zbekiston strategiyasi*. [New Uzbekistan strategy]. Tashkent: Uzbekistan.

3. Juraeva, S. (Compiler and translator) (2002) *Haqiqat manzaralari. 96 mumtoz faylasuf* [Landscapes of truth. 96 classic philosophers: destinies, wisdoms, aphorisms].Tashkent: Yangi asr avlodi.

4. Asqarov, A.(2007) O*‘zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi* [Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people]. Tashkent: Universitet.

5. Avloniy, A. (2009). *Tanlangan asarlar* [Selected works]. 2 volumes. 2-volumes. Tashkent: Ma’naviyat.

6. *O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi* (2004). [National encyclopedia of Uzbekistan]. 8-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

7. *Yusupov, E.* (1998). *Inson kamolotining ma’naviy asoslari* [The spiritual basis of human perfection]. Tashkent: Universitet.

8. *Vorontsov, V.* (Comp. (1989 *Tafakkur gulshani*. Vatandosh hamda xorijiy allomalarning aforizmlari va hikmatli so‘zlari [Garden thinking. Aphorisms and wise sayings of domestic and foreign scientists]. Tashkent: Adabiyot va san’at nashriyoti.

9. *Navoi, A.* (2000). *Ummondan durlar* [Pearls from the ocean]. Tashkent: Shark.

10. *Omonov, H.T., Xo‘jaev, N.X.* (et.al.) (2012). Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat [Pedagogical technologies and pedagogical skills]. Textbook. Tashkent: TMI.

Муаллиф ҳақида маълумот:

СОБИРОВА Марҳабо Абдуғаниевна – фалсафа фанлари номзоди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Маънавият асослари ва ҳуқуқий таълим кафедраси доценти. E-mail: sobirova1971@mail.ru